



« 18 » Февраль 2020 у.

№ 93

Toshkent sh.

**Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг
қимматбаҳо навларини сақлашга доир қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 30 октябрдаги ПФ–5863-сон Фармонининг ижросини таъминлаш, давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 30 октябрдаги ПФ–5863-сон Фармони билан давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 31 декабргача мораторий жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Фанлар академияси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, мораторий жорий этилган давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесиш бўйича:

давлат хизматлари марказлари ва Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аризаларни қабул қилишга;

худудий экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан дарахтлар ва буталарни кесиш учун хулосалар беришга;

туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан дарахтлар ва буталарни кесиш учун рухсатномалар расмийлаштирилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари ушбу банд талабларини бажариш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрсин.

4. Белгилансинки:

давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда қимматбаҳо навлардан ташқари дарахтлар ва буталар навларини ҳамда табиий омиллар ёки зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари таъсирида зарарланган, қуриб бораётган ёки қуриб қолган, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига хавф туғдирувчи дарахтлар ва буталарни санитар кесиш ва қирқишга рухсатнома бериш Вазирлар Маҳкамасининг “Табиатдан фойдаланиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 31 мартдаги 255-сон ва “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталардан фойдаланишни тартибга солиш ва улардан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги 43-сон қарорлари асосида амалга оширилади;

“Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” давлат дастурлари лойиҳалари асосида ҳудудларни ободонлаштириш ишларида табиий омиллар ёки ўсимликлар зараркунандалари, касалликлари таъсирида шикастланган, қуриётган ёки қуриб қолган, шунингдек, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига хавф солаётган дарахтларни кесиш ва қирқиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга риоя қилинган ҳолда фақат туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари томонидан амалга оширилади;

объектларни қуриш ва қуришни лойиҳалаштириш учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш босқичида расмийлаштириладиган ҳужжатларда, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларида, шунингдек, электрон онлайн-аукцион натижалари баённомаларида ер участкасида ўсаётган дарахтлар сони, уларнинг аниқ координаталари, навлари, диаметри, баландлиги кўрсатилиши шарт, шунингдек, уларни сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш чоралари ва талаблари белгиланиши керак;

лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда қурилиш майдонида ўсаётган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навлари тўлиқ сақлаб қолиниши ёки кўчириб ўтказилиши таъминланиши шарт, дарахтлар ва буталар бошқа навларининг камида 50 фоизи сақлаб қолиниши ёки кўчириб ўтказилиши ёхуд уларнинг ўрнига ўнтадан кам бўлмаган дарахтлар компенсация сифатида экиб берилиши керак;

2020 йил 1 мартдан бошлаб қурилиш, қайта таъмирлаш, қайта тиклаш, капитал таъмирлаш, қурилиш объектларини ободонлаштириш, бузиш бўйича